

Риёзус солиҳийн шарҳи / Риёзус солиҳийн шарҳи / 561-ҳадис

561 – وَعَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: «قَالَ اللَّهُ تَعَالَى: أَنْفِقْ يُنْفِقُ عَلَيْكَ». مُتَّفَقٌ عَلَيْهِ [خ 4684، م 993].

561. Яна у кишидан ривоят қилинади:

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай дедилар:

«Аллоҳ азза ва жалла: **«Инфоқ қил, сенга ҳам инфоқ қилинади»**, деди».

Муттафақун алайҳ.

Шарҳ: Аллоҳ Таоло Қуръони Каримнинг жуда кўп оятларида хайр – эҳсоннинг савоби кўплиги ва фазилати улканлиги ҳақида марҳамат қилади. Жумладан, “Бақара” сурасида шундай деган:

“Мол (бойлик) ларини кечаю кундуз, пинҳонаю ошкора эҳсон қиладиган кишилар учун Парвардигорлари ҳузурида (махсус) мукофотлари муҳайёдир. Уларга (охиратда) хавф ҳам бўлмас ва улар ташвиш ҳам чекмаслар”. (Бақара сураси, 274-оят).

Киши хайр – эҳсонни ихлос билан, савоб умидида қилар экан, ояти каримада ваъда қилинганидек улкан мукофотларга эришади. Инфоқ – эҳсон қилишнинг савоби борасида ҳадиси шарифларда ҳам жуда кўп маълумотлар бордир.

Хайр – эҳсоннинг фойдаси нафақат бу дунёда балки, қабр ва қиёматда ҳам борлиги ҳақида Пайғамбаримизсоллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар. “Албатта садақа ўз эгасини қабр иссиқлигидан сақлайди. Садақа қилувчи мўмин қиёмат куни ўз садақаси соясида туради”. (Имом Табароний ривояти).

Садақа ва эҳсоннинг барча кўринишлари хоҳ у нафл бўлсин, хоҳ фарз бўлсин, барчаси гуноҳларнинг ўчирилишига сабаб бўлади. Уламолар садақани инсоннинг имони борлигини тасдиқловчи амал дейишган. Чунки

хайр - эҳсон қилувчи киши ўзига бегона бўлган ва ҳеч ҳам ундан манфаат умид қилмайдиган одамга имкониятидан келиб чиқиб бир нарсани беради. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам шундай деганлар: “Садақа ҳужжат ва далилдир (яъни, имон борлигига)”. (Имом Термизий ривояти).

Хайр - эҳсон қилиш орқали киши яна бир бор иймонини мустаҳкамлигини тасдиқловчи ҳужжатини қўлга киритган бўлади. Хайр - эҳсон қилиш билан ҳаргиз мол озаймайди, балки унинг молига Аллоҳ таоло барака беради.

Аллоҳ хоҳлаган кимсани бой қилади, хоҳлаганини эса камбағал қилади. Бойни муҳтож ва муҳтожни бой қилиш Аллоҳга ниҳоятда осондир. Шундай экан, бировга ёрдамимиз тегишидан хурсанд бўлишимиз ва Аллоҳга доим ҳамд айтиб, эзгу ишда пешқадам ва бардавом бўлишимиз керак. Эҳсон қилувчида топилиши керак бўлган одоблар ҳам мавжуд.

- 1) Аввало хайр - эҳсонни Аллоҳ Таолонинг розилиги учун қилиш, унга риё аралаштирмаслик.
- 2) Хайр - эҳсонни ҳалол - пок ва ўзи яхши кўрган молдан қилиш.
- 3) Хайр - эҳсонни қариндош ва яқинлардан бошлаш.
- 4) Хайр - эҳсонни билан ғурурланмаслик, ўзига бино қўймаслик.
- 5) Миннат ва шу каби хайр - эҳсоннинг сабабини кетказадиган амаллардан сақланиш.
- 6) Хайр - эҳсонни ошкор қилмай, махфий ҳолда қилиш, аммо ўзларига ибрат маъносида ошкор қилса бўлади.
- 7) Хайр - эҳсонни очиқ юз билан, чин кўнгилдан, хурсанд бўлиб бериш.
- 8) Хайр - эҳсон қилиш нияти пайдо бўлиши билан, уни кечиктирмай, тезроқ ҳақли кишига етказиш.
- 9) Оз бўлса ҳам хайр - эҳсон қилишда бардавом бўлиш.
- 10) Хайр - эҳсонни имкон қадар тириклик пайтида қилиш.
- 11) Эҳсонни ҳақдорлар кишиларга бериш.



HADIS.ISLOM.UZ
NUBUVVAT MARVARIDLARI